



КОММУНИКАТИВ ТЎСИҚЛАРНИНГ ПСИХОЛИНГВИСТИК АСПЕКТИ

Ғаффарова М.Қ.

Андижон давлат чет тиллар институти эркин тадқиқотчиси

Таянч сўзлар: прагматик тўсиқ, коммуникатив тўсиқ, тўсиқ турлари, социопсихоллингвистик вазият, микроижтимоий муҳит таъсири.

Ключевые слова: прагматический барьер, коммуникативный барьер, виды барьеров, социально-психологическая ситуация, влияние микросоциальной среды.

Key words: pragmatic barrier, communicative barrier, types of barriers, social-psychological situation, influence of micro-social environment.

Ўзбек тилшунослигида коммуникатив тўсиқ муаммоси кенг планда тадқиқ этилган эмас. М.Ҳақимов, Г.Тоирова, М.Қурбонова, Ш.Атамурадовларнинг ишларида “прагматик тўсиқ” тушунчасига эътибор қаратилган. М.Ҳақимов, Г.Тоироваларнинг тавсифига кўра, “Прагматик тўсиқ - баён қилиниши лозим бўлган пропозицияга тўсиқ бўлувчи, унинг мазмунини хиралаштирувчи сўзловчининг фикрлаш ва талаффузи билан алоқадор ҳодиса (прагматик помех)”.

Ш.Р.Атамурадовнинг мақоласида мазкур ҳодиса лингвопрагматика масаласи сифатида кўриб чиқилган.

Фикримизча, “прагматик тўсиқ” тушунчаси умумий концептуал масаланинг бир томони бўлиб, коммуникатив тўсиқ муаммоси жуда кенг қамровли лингвистик феномен сифатида турли аспектларда тадқиқ этишни тақозо қилади. Шу нуқтаи назардан, психоллингвистика, психология, социология, фалсафа, педагогика ва бошқа турли фанларнинг ўрганиш объекти доирасига қиради ва таҳлил қилиш учун назарий асос ва талқинлардаги ёндашувлар билан фарқланади.

Психология фанида коммуникатив тўсиқ асосий тадқиқ объектлари қаторидаги назарий тушунчалардан бири ҳисобланади. Рус тилшунослигида ва психологияга оид тадқиқотлар доираси йўналишларида психологик коммуникатив тўсиқнинг ижодий жараён, тиббий, педагогик, шахслараро, ижтимо-



ий, суд-ҳуқуқ дискурси каби муайян турлари ўрганилаётгани ҳали бу соҳада ўз изланувчиларини кутиб турган қатор масалалар мавжудлигини кўрсатади.

Инсоннинг ҳаётий фаолияти ва эҳтиёжларини қондиришга тўсқинлик қиладиган ҳар қандай ҳолат унинг руҳиятига таъсир қилади ва бу жараён нутқда акс этади. Айтайлик, зарур маълумотларнинг етишмаслиги, моддий эҳтиёжнинг қондирилмаганлиги, ҳолсизлик, чарчоқ, қутилган ҳодисанинг кечикиши ёки тақиқланиши, коммуникант билан мулоқот қилишни истамаслик каби турли омиллар психоллингвистик характердаги коммуникатив тўсиқни келтириб чиқариши мумкин.

И.А.Зимняя бу муаммони кенгроқ контекстда кўриб чиқади ва шунга мос равишда этнососоциомаданий, статус-позиция-рол тизимига хос, индивидуал-психологик, ёши, фаолияти ва шахслараро муносабатлардаги қийинчиликлар мавжудлиги ҳақида фикр юритади.

Психологик тўсиқларнинг энг маъқул конструктив талқини Р.Х.Шакуров томонидан берилган: “Тўсиқ - бу сезги, ҳавотир, образлар, тушунчалар ва бошқалар шаклида тақдим этилган психологик ҳодиса бўлиб, унда инсон фаолиятининг намоён бўлишига, эҳтиёжларига тўсқинлик қиладиган хусусиятлар акс этади».

Л.В.Редькина психологик тўсиқларнинг структура ва мазмунини тадқиқ қилар экан, умумпсихологик ёндашув нуктаи назаридан эмоционал, фикрий-мазмуний, когнитив ва тактик тўсиқларга ажратади. Тадқиқотчининг фикрича, коммуникатив тўсиқлар умумий планда ички ва ташқи турларга бўлинади. Ташқи тўсиқларга ногўғри тарбиядаги ноқисликлар, мулоқот шароитлари, ҳиссий ва ижтимоий алоқаларнинг муваффақиятсиз тажрибалари натижасида келиб чиқадиган ижтимоий характердаги қийинчиликлар қиради. Тажовузкорлик, ташвиш, қаттиқлик, таранглик, уятчанлик инсоннинг шахсий хусусиятлари ички тўсиқлар ҳисобланади.

Лисоний шахсларнинг жамиятдаги мақоми, ижтимоий-иқтисодий мавқеидаги тафовутлар ҳам коммуникатив тўсиқ пайдо бўлишининг асосий омилларидан биридир. Бундай ҳолат, ҳатто, бир оила аъзолари орасида ҳам кечиши мумкин.

- Янги уйга кўчмадингизму? - қадрдон остонасидан ҳатлай туриб онасига сўз қотди Шод Мулк.

- Қайдам... Сенинг... Сизнинг келишингизни кутдик! - ранги униқиб, тақирлашган жулқурсга уялибгина кўрпача ташлади онаси.

- Ўзимизнинг уйимиз ҳам ёмонмас, - отасининг эсига қаршисида қизи эмас, малика тургани тушиб, беихтиёр қўлларини қовуштирди. - Фақат... битта устахона сотиб олсак ёмон бўлмас эрди...

- Энди устачилик қилмайсиз, падари бузруквор, - устанинг гапини бўлди Шод Мулк қатъий овоз билан, - энди подшоҳлар киби яшайсиз!

Уста ҳеч қачон етиб бўлмайдиган ҳавойи гапни эшитаётгандай хижолат чекиб, дам хотинига, дам жиянига қараганича изтиробли жилмайди. (Ш.Исахонова, “Бибихоним” романи)

Оддий, қашшоқ оилада ўсган қизнинг фавқулудда юксак мартаба ва даражаларга эришиши ота-она руҳиятига кучли таъсир ўтказди ва бу ҳолатни “ҳазм қила олмай” қийналадилар. Қайдам... Сенинг... Сизнинг келишингизни кутдик! жумласида сен олмошининг сиз олмоши билан алмашиши онанинг ўз қизидан ҳам ҳайиқиши, ўзини ноқулай, ночор сезиши кучли эмоционал таъсир натижасидир. Бу ҳолни социопсихоллингвистик вазият деб ҳисоблаймиз, чунки коммуникантларнинг руҳий ҳолати уларнинг ижтимоий мавқеи билан боғлиқ ҳолда коммуникатив тўсиқ ҳосил қилган.

О.П.Ермакова мулоқот жараёнида исталмаган эмоционал таъсирнинг юзага келишини ҳам коммуникатив муваффақиятсизлик деб тушуниш мумкин деб ҳисоблайди.

- Аввал Жўраҳон опанинг қабрларини бир зиёрат қилсам деган эдим...

Ўсарбой ғалати ҳолга тушди. Унинг бу ҳолати, кўз қарашлари, рангининг гоҳ бўзариб, гоҳ оқариши Тошкентда бўлган бир воқеани эслатиб қўйди. Трамвайда беш ёшлардаги бир бола ёнимга ўтириб қолиб, ундан қаёққа кетяпсан, деб сўраганимда, уйдан детдомга кетяпман, деган эди. Ота-онанг йўқми, деб сўрадим. Бор, деб жавоб берди бола. Бўлмаса, даданг ҳам, онанг ҳам сени ёмон кўришар экан-да, детдомга беришибди, дедим. Ўшанда боланинг кўзи олазарақ бўлиб қолган, худди Ўсарбойнинг ҳолига тушиб, қийналган эди. Кейин у қийнала-қийнала паст овоз билан «дадамларнинг ҳам, ойимларнинг ҳам кўзлари кўр» деган эди. Жуда хижолат чеккан эдим, шу мурғак бола қалбини тирнаб ётган аламли фарёдини тилига чиқаришга мажбур қилганим учун ҳали-ҳали ўзимни кечиролмасдим. Яна нима қилиб қўйдим? Наҳотки Ўсарбойнинг ҳам ичида шунга ўхшаш тилга чиқса, тилни, дилда қолса дилни қуйдирадиган фарёди бўлса?! Нима қилиб қўйдим?..

Ўртага жуда ҳам совуқ жимлик чўкди. Чол бир ютиниб олди. Ўсарбой ўрnidан туриб, ҳовуз бўйига бориб махорка ўради. Чолнинг юпқа лаби титраб, зўрға: «Жўраҳоннинг қабри йўқ. У сувга чўкиб кетган...» дея олди.

Матнда тасвирланган ҳар икки ҳолатда ҳам, яъни Жўраҳоннинг селда оқиб кетиши, боланинг ота-онаси кўзи ожиз инсонлар эканлигидан беҳабар коммуникантнинг ноўрин савол бериши адресатни ноқулай психологик ҳолатга солиб қўяди, бу эса исталмаган эмоционал таъсир натижасидир. Бу ҳолатни психологик тўсиқ деб ҳисоблаш ўринлидир. Берилган саволдан адресатнинг руҳий изтиробга тушганлиги уларнинг психофизиологик ҳолатида Ўсарбойнинг ғалати ҳолга тушиши, кўз қарашлари, рангининг гоҳ бўзариб, гоҳ оқариши, боланинг эса қийнала-қийнала паст овоз билан жавоб беришида ҳам акс этади. Демак, сўзловчининг воқелик ҳақида маълум бир ахборотга



эга эмаслиги адресат учун ноқулайлик келтириб чиқарадиган нутқий вазиятга, яъни коммуникатив тўсиққа сабаб бўлиши мумкин.

Психолингвистик характердаги тўсиқ сабаби суҳбатдошларнинг интеллектуал, маданий, маънавий жиҳатдан сезиларли фарқлар бўлиши мумкин. Бундан ташқари, ушбу тўсиқнинг ишлаши пайтида тушунмовчилик суҳбатдошларнинг ақлий фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда, масалан, оғзаки-мантқикий фикрлашга мойил бўлган коммуникаторнинг визуал-образли фикрлаши ривожланган қабул қилувчи билан ўзаро мулоқотда бўлганда пайдо бўлади. Бошқача қилиб айтганда, психологик характер типлари ўртасидаги тавовутли белгилар сўзлашувчиларнинг ўзаро бир-бирларини тушунмасликларига, бир хил ахборотни ҳар хил талқин қилишларига олиб келиши мумкин.

Шахслараро коммуникатив тўсиққа олиб келадиган характерли сабаблардан яна бири коммуникантларнинг дунёқарashi, ҳаёт тарзи, тафаккур даражасидаги тафовут, муносабатларнинг мос келмаслигидир. Бундай вазиятда суҳбат мазмуни суҳбатдошларга салбий таъсир кўрсатади, асабийлашиш, нозилик кайфиятига олиб келади.

– Энди, тоға, ўзимизнинг бойлар бир нима қилса ярашади. Ҳар ҳолда ўзимизники-да. Булар-чи?.. Одаммисан дейишмайди. Бўламни пивохонадан ҳайдаб чиқаришибди энағарлар.

– Тўғри қилишибди.

– Ие, тоға, бу нима деганингиз? Жудайла ён босаверманг-да буларга.

– Ён босаётганим йўқ. Пивохонада ўтирган йигитларни кўрсам, ғашим келади.

– Энди ичмасангиз мазасини билмайсиз-да. Ишдан кейин шундан бўлмаса хордиқ чиқмайди.

Йигитали ҳайдовчининг гап уқмайдиганлар хилидан эканига ишонч ҳосил қилиб, у билан суҳбатни давом эттирмади. (Т.Малик, “Шайтанат”)

Умумий жамоат жойидан кимнидир ҳайдаб чиқариш адекват ҳолат эмас. Лекин ичкилик ичиб ўтириш яхши иш эмаслигини ҳисобга олганда, бу ҳаракат ўзини оқлайди. Юқоридаги диалогда ана шу икки хил ҳолатни ёқловчиларнинг қарама-қарши опозицияси коммуникатив тўсиққа сабаб бўлган.

Микроижтимоий тўсиқлар микромуҳит таъсиридан келиб чиқади. Бунда шахснинг беқарорлиги микромуҳит - иш жойи, яшаш манзили, оила таркибининг ўзгариши кабилар ноқулай ҳиссий муҳит яратиши мумкин. Бундай тўсиқлар ўз-ўзидан киши руҳиятига, атрофдагилар билан муносабатларига, иш ёки ўқиш жойидаги фаолиятига ҳам ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Айниқса, болаларда бу таъсир кучли бўлади.

Ҳамма кулишдан чарчаб жим бўлганда ҳалиги семиз хотин мени пайқаб колди-ю, ёнига чақирди, бошимни силаб:



- Аянг тузалиб қолди-ку, хотинларнинг ичида нима қилиб ўтирибсан, кўчага чиқсанг бўлмайдим?-деди.

Мен индамадим, болалар мени уради, келгиндимиз, дея ол- мадим.

- Бозорбошига от ўйин келган эмиш, от ўйинини кўрганмисан?-деди хотин яна. Мен яна индамадим. Бояги ёш жувон тиқилинч қилди:

- Гапирсанг-чи! Тилинг борми?

Мен нима дейишимни билмасдим. Семиз хотин икки қулоғимдан ушлаб пешонасини пешонамга ниқтади, - Гапирасанми, йўқми?

Аям Олим буванинг ташқарисида турган вақтларимизда мени кўчага чиқармаганини, бу ерда рўзғор иши бўйнимга тушиб «уй қизи» бўлиб қолганимни, у ерда ҳам, бу ерда ҳам ҳеч ким мен билан гаплашмаганини унутиб:

- Ўзи шунақа, индамас, “ичимдагини топ” бола чиқди,- деди. (Абдулла Қаҳҳор, «Ўтмишдан эртақлар»)

Мазкур ҳолатда коммуникатив тўсиқ келтириб чиқадиган вазият - боланинг индамас, “ичимдан топ” бўлиб қолишига дадасининг касби тақозоси билан тез-тез кўчиб яшашлари, турли микромуҳитдаги одамлар билан тўқнашувлари сабаб бўлган.

Адабиётлар:

1. Ермакова О.Н. К построению типологии коммуникативных неудач (на материале естественного русского диалога) / О.Н.Ермакова, Е.А.Земская // Русский язык и его функционирование: Коммуникативно-прагматический аспект: Сб. ст. – М.,1993. – С. 90-157.
2. Зимняя И.А. Педагогическая психология. Ростов н/Д, 1997. С. 400-473.
3. Редькина Л.В. Психологические барьеры: структура и содержание // Вестник Тамбовского университета. Серия: Гуманитарные науки № 3, 2023. – С. 102-105
4. Тоирова Г. Прагмалингвистика. Ўқув лугати. Тошкент: Akademnashr, 2016.
5. Шакуров Р.Х. Барьер как категория и его роль в деятельности // Вопросы психологии. 2001, №1. – С. 3-18.
6. Ҳақимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. – Тошкент: Akademnashr, 2013.; Тоирова Г. Прагмалингвистика. Ўқув лугати. Тошкент: Akademnashr, 2016.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада коммуникатив тўсиқ тушунчаси кенг қамровли масала сифатида турли аспектларда ўрганилиши зарур эканлиги хусусида фикр юритилади. Шунингдек психоллингвистик тўсиқнинг мулоқот жараёнига ва коммуникантлар руҳиятига, нутқиға таъсири масаласи ўрганилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье концепт коммуникативного барьера рассматривается как комплексная проблема, требующая изучения в разных аспектах. Также изучен вопрос влияния психоллингвистического барьера на процесс общения, а также на психику и речь коммуникантов.

SUMMARY

This article considers the concept of communication barrier as a comprehensive issue that needs to be studied in different aspects. Also, the issue of the effect of psycholinguistic barrier on the communication process and on the psyche and speech of communicants has been studied.